



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 21 сентябрь, № 195 (8818)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

20 сентябрь куни мамлакатимизга янги тайинланган хорижий элчилар томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш тантанали маросими бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хиндистон Республикаси Фавкулда ва мухтор элчиси Смита Пант, Корея Республикаси Фавкулда ва мухтор элчиси Вон До Ён, Мўғулистон Фавкулда ва мухтор элчиси Дааданхуу Батбаатар, Германия Федератив Республикаси Фавкулда ва мухтор элчиси Манфред Хутерер, Исроил Давлати Фавкулда ва мухтор элчиси Гидеон Лустиг ва Европа Иттифоқи Фавкулда ва мухтор элчиси Тойво Клаардан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини Ўзбекистондаги шарафли ва масъулиятли фаолияти расман бошлангани билан самимий табриклади.

Бугунги кунда ҳаёндаги беқарор ва тез ўзгараётган даврда элчиларнинг нафақат ўз мамлакатларининг манфаатларини илгари суриш, балки халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган шарафли

фаолиятининг аҳамияти кескин ортиб бораётгани таъкидланди.

Президентимиз очик, конструктив ва прагматик ташки сиёсат натижасида Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланаётганини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан мамлакатимиз ташаббуси билан 10 дан ортиқ, жумладан, жорий йилнинг ўзида катта аҳамиятга эга 4 та махсус резолюция қабул қилингани бунинг тасдиғидир.

Мураккаб глобал вазиятда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсмоқда, Жаҳон банки бу йил ўсиш 5,3 фоизни ташкил этишини прогноз қилмоқда. Халқаро валюта жамғармаси эътироф этганидек, ўтган йил якуни бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард доллардан ошди.

Париждаги ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари мамлакатимизнинг янги спорт тарихини яратган ёш спортчиларимизнинг рекордлари ва мисли

қўрилмаган ютуқлари майдонига айланди.

— Буларнинг барчаси ортга қайтмас тус олган кенг қўламли ислохотларимизнинг самарасидир, — деди давлат раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида демократик жамият қуриш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, саноат ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш, тadbirkor ва инвесторлар учун кенг имкониятлар яратиш сиёсатини давом эттириши таъкидланди.

Шу муносабат билан келгуси ойда Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар аниқланган Конституцияга мувофиқ илк бор аралаш сайлов тизими асосида ўтказилиши алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаб келаётгани учун дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари вакиллик қилаётган мамлакатлар ҳукуматларига миннатдорлик билдирилди.



Ўзбекистон Президенти Хиндистон Республикаси элчиси Смита Пантга мурожаат қилар экан, икки мамлакат етакчиларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари янги босқичга қўтарилганини мамнуният билан қайд этди.

Жорий йил бошидан буён икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ошди, қўшма корхоналар, авиақатновлар сони кўпаймоқда, сайёҳлик алмашинуви кенгаймоқда, ҳудудлараро алоқалар изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда Хиндистон университетларининг тўртта филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари яқин келажақда ўзаро савдо ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт, инновациялар, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм ва

бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик лойиҳаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва “Хиндистон — Марказий Осиё” форматидagi мулоқотни давом эттириш учун катта имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси Корея Республикаси биз учун Осиё қитъасидаги вақт синовларидан ўтган яқин дўст ва алоҳида стратегик шерик эканини таъкидлади.

Президент Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида кўп қиррали Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигининг янги босқичини бошлашга келиши олинди. Мамлакатимизда замонавий саноат ва инфратузилмани барпо этиш мақсадида юқори технологик ва инновацион шериклик модели жорий этилмоқда.

Ўзаро савдо ҳажми 2,5 миллиард долларни ташкил этмоқда. 700 дан зиёд қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда, янги инвести-

ция лойиҳалари портфели 10 миллиард долларга етди.

Ўзбекистонда Кореянинг қатор етакчи университетлари филиаллари, касб-хунар таълими, инновациялар ва ахборот технологиялари марказлари очилди, мактабга таълим тизимини яратишнинг илгор тажрибаси муваффақиятли жорий этилмоқда, соғлиқни сақлаш соҳасида биргаликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

— Тошкентда барпо этилган Болалар клиникаси, Корея маданияти ва санъати уйи, Сеул боғи ва кўчаси мустаҳкам дўстлигимизнинг ёрқин рамзларига айланди, кўп миллатли халқимизнинг ажралмас қисми бўлган салкам 200 минг нафар фуқароларимиздан иборат корейс диаспораси эса тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшмоқда, — деди Ўзбекистон Президенти.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ОММАВИЙ СПОРТ ВА ОЛИМПИА ҲАРАКАТИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли режалар тўғрисида ахборот берилди.

Аввало, оммавий спортни ва олимпия ҳаракатини янада кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Яқинда Парижда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари жами 39 та медални қўлга киритиб, юзлаб давлатлар орасида 13-ўринларни эгаллаган эди. Бу мамлакатимиз спорт тарихида энг юқори натижалар бўлди.

Мазкур нуфузли мусобақалар голиб ва совриндорлари билан учрашувда давлатимиз раҳбари 2028 йилда Лос-Анжелесда бўладиган ўйинларга ҳозирдан тайёргарлик қўриш, йўлланмалар сони ва турини кўпайтириш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, Спорт вазирлиги, Миллий Олимпия ва Паралимпия қўмиталари томонидан

спорт турлари бўйича фойдаланилмаган имкониятлар яна бир бор танқидий таҳлил қилинди.

Мисол учун, Олимпия ўйинларида энгил атлетика бўйича 48 та, сув спорти турларида 49 та дастур мавжуд. Лекин вакилларимиз уларда 5 ва 4 та йўлланма билан қатнашди, холос.

Теннис, ўқ отиш, гимнастика, велоспорт бўйича федерациялар ҳам, шариоат ҳам бор. Юнон-рум кураши, от спорти, қиличбозлик, эшак эшиш бўйича ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Чим устида хоккей, баскетбол, гандбол, регби, сув полоси каби жамоавий спорт турларини ҳам ривожлантириш зарур.

Мазкур спорт федерациялари ишини жонлантириш, ўқув-машғулотлар тизимини такомил-

лаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

Олимпия ва паралимпия ҳаракати оммавий спортдан куч олиши таъкидланиб, маҳаллаларда селекция ишларини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни профессионал этиб тарбиялаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, келгуси йил юртимизда ёшлар ўртасида Осиё ва Парасиё ўйинлари ўтказилиши режалаштирилган. Бунинг учун Тошкентда Олимпия шаҳарчаси барпо этилмоқда.

Шаҳарчага ташрифи чоғида Президентимиз бу мажмуа мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машғулот маркази бўлиши зарурлигини айтди.

Шунга мувофиқ, Осиё ўйинларидан сўнг, Олимпия шаҳарчаси

инфратузилмасидан самарали фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун “Ақли шаҳар” концепциясига асосланган маъмурий бошқарув ташкил этилади. У спорт мажмуаларини сақлаш, жиҳозлар ва техник тизимлар ҳолатини кузатиб бориш, зарур ҳолларда таъмирлаш билан шуғулланади. Устувор спорт турлари бўйича йиллик режа тасдиқланиб, ҳудудлардаги спортчиларнинг Олимпия шаҳарчасида ўқув-машғулот ўтказиши йўлга қўйилади. Шунингдек, бу тузилмага оммавий тадбирларни ташкил этиш, ижара ва бошқа хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Олимпия ҳаракати ҳақида гап кетганда, киши ўйинларни ҳам назардан қочирибмаслик зарур. Шундай спорт турларидан бири хоккейdir.

Ў.А.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ, САЙЛОВЛАРНИ ТАШВИҚОТИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Марказий сайлов комиссиясининг 20 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ҳамда сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотида оид масалалар кўриб чиқилди.

Маълумки, Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови аралаш, яъни мажоритар ва пропорционал тизими асосида ўтказилади.

Парламентнинг қўйи палатасига бу галги бир юз эллик депутатнинг 75 нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича сайловчиларнинг бевосита аниқ номзодларга берган овозларига мувофиқ, қолган 75 нафари эса ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати



(яъни партия рўйхати) асосида сайланади. Мажлисида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан бир мандатли сайлов округлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш юзасидан қарор қабул қилинди.

4

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2024 йил 20 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Сенатнинг эллик еттинчи ялпи мажлисида дастлаб “Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда психология соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда амалиётчи психологлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Республикаимизнинг 10 та олий таълим муассасасида “Психология”, 19 та олий таълим муассасасида “Педагогика ва психология” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, олий тиббий таълим муассасаларида “Тиббий психология” ва “Тиббий психотерапия” мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 11 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 28 августда маъқулланган

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий давқидан қатъи назар, қонун олдида тенгликка, шунингдек давлат хизматига киришда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигига ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигига тааллуқли бир қатор нормалар мустаҳкамланган.

Шу билан бирга амалдаги қонун ҳужжатларини янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига мувофиқлаштириш зарурияти юзга келмоқда.

Ушбу Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳамда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари билан, шунингдек қариндошининг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ва уни ўташ чоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар белгиланишини назарда тутувчи ўзгартiriш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун фуқаролар ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлашга, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда, шу жумладан ишга қабул қилишда тенг имкониятларни таъминлашга, шунингдек оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1, 2-бетларда).

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Таълим тўғрисида**»ги УРҚ–637-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 966-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 101-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида**»ги УРҚ–647-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 7, 537-модда, № 11, 923, 924-моддалар) **6-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 июнда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида**»ги УРҚ–692-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 6, 519-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда) **5-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий

келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 6 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида**»ги УРҚ–700-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 660-модда) **8-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги УРҚ–703-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 663-модда; 2024 йил, № 2, 117-модда) **11-моддасининг матнидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ҳамда ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 7 июнда қабул қилинган «**Реклама тўғрисида**»ги УРҚ–776-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 6, 571-модда; 2024 йил, № 2, 108-модда) қуйдаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **5-модданинг учинчи хатбошисидagi** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига» деган сўзлар

«эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **16-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидagi** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августда қабул қилинган «**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида**»ги УРҚ–788-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 8, 789-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) қуйдаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **10-модда:** қуйдаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Қариндошининг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ва уни ўташ чоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас»; **учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин; 2) **29-модданинг иккинчи қисмидаги** «ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар «эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган УРҚ–798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова;

2023 йил, № 4, 265-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйдаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи қисми** «ижтимоий келиб чиқиши» деган сўзлардан кейин «қариндошларида судланганликнинг мавжудлиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **119-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидagi** «яқин» деган сўз чиқариб ташлансин.

30-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағаллики қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

32-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2024 йил 20 сентябрь № УРҚ—963	

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Хозирги кунда мактабгача таълим тизимида 2,5 мингдан, умумий ўрта таълим мактабларида 13 мингдан зиёд педагог-психологлар фаолият олиб бормоқда.

Шу билан бирга, психология йўналишида маслаҳат бериш, онлайн ва офлайн форматда ўқув, тренинг, семинарлар ўтказиш орқали хусусий тартибда психолог ёрдам кўрсатиш фаолияти ҳам кенг тарқалган.

Қонун билан аҳолига психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари, вазифалари, турлари, шакллари ҳамда стандартлари белгиланмоқда.

Қонунда психологик ёрдам кўрсатиш стандартлари Соҳилни саклаш вазирлиги томонидан олиб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳамда психологик ёрдам кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс раҳбари психология соҳасида олий маълумотга эга бўлиши кераклиги назарда тутилмоқда.

Психологик ёрдам кўрсатиш соҳаси иш-тироқларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, бепул психологик ёрдам кўрсатиладиган шахслар тоифаларини аниқлаштириш, аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги профессионал уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш кўзда тутиляпти.

Шунингдек, психология йўналишидан бошқа олий маълумотга эга бўлган шахслар хусусий тартибда психологик ёрдам кўрсатиш фаолияти билан шуғулланишдан аввал психология мутахассислиги учун қайта тайёрловдан ўттиши кераклиги белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс психологик ёрдамни бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахс томонидан кўрсатиш ёхуд аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган чекловларга риоя этмаслик учун жавобгарлигини назарда тутувчи қўшимча нормалар билан тўлдирилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш соҳасининг ҳуқуқий асосларини яратиш, фуқароларнинг психологик ёрдам олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, хусусий тарзда амалиёт олиб бораётган психологлар фаолиятининг қонуний амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин “Ер қаъри тўғрисида”ги қонун муҳокама этилди.

Мазкур қонун билан ер ости бойликларига эгалик қилиш ва уларни тасаруф этиш, шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш чоғида юзага келадиган муносабатлар тартибга солинмоқда.

Қонунда қўлланладиган асосий тушунчалар кенгайтирилаётган бўлиб, унда фойдали қазилмаларнинг таснифи, яъни асосий ва норуда фойдали қазилмалар, уларнинг таркиби янада аниқлаштирилмоқда.

Республикамизда ўтказилаётган маъмурий исплохотлар доирасида ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат органлари ваколатлари чегаралари аниқлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноти ва геология вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Тоғ-кон саноти ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси, “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” давлат муассасаси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатлари аниқ белгиланган бўлимоқда.

Қонун билан ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномаларни бериш, ҳисоботларни қабул қилиш ва бошқа соҳадаги давлат хизматларини кўрсатиш жараёни-ларида “ягона дарча” принципи жорий этилмоқда.

Қонунда соҳанинг инвестициялар жалб этувчанлигини кескин ошириш мақсадида давлат органи назорати остида ер қаъридан фойдаланиш рухсатномасини лицензиат томонидан тасаруф этиш (сотиш, гаровга қўйиш ёки бошқа шахсларга ўтказиш) механизми жорий этилмоқда.

Шунингдек, қонунда юниор компаниялар учун рекогносцировка қилиш (дастлабки геологик ўрганиш босқичи) нормалари алоҳида ажратилмоқда ва геологик ахборотга бўлган мулк ҳуқуқи, инвесторлар томонидан уни алмаштиш ва

реализация қилиш нормалари такомиллаштирилмоқда.

Қонун билан ер қаъри давлат фонди кадастр тизими янада такомиллаштирилиб, унда углеводород кадастри, кадастр квадрат каби тушунчалар киритилмоқда.

Қонунда углеводородлар йўналиши кескин қучайтирилиб, жумладан, углеводород захираларини аниқлашга, геология-қидирув ишлари ва уларни ўзлаштиришга йирик инвестициялар киритишни жадаллаштириш учун олдиндан дастлабки ўрганиш, яъни рекогносцировка қилиш ишларига алоҳида қулай механизмда рухсатнома бериш тартиби белгиланмоқда.

Қонун билан уран қазиб олиш ва шу билан боғлиқ жараёнда радиациявий хавфсизлик, шунингдек, Халқаро атом энергетикаси (МАГАТЭ) талаблари билан боғлиқ ҳолда қўшимча алоҳида талаблар белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қонунда норуда хомашё конларини қидириб топиш ва ўзлаштиришга оид нормалар қучайтирилмоқда.

Норуда қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг аниқ тартиби ҳамда ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, даврий ва якуний ҳисоботларни тақдим қилиш, қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда қазиб олишнинг йиллик минимал харажатлари қайд этилмоқда.

Қонунда экология ва атроф-муҳитни келгусида кафолатли асраш мақсадида ер қаъридан фойдаланишда экологик хавфсизлигини таъминлашнинг қондалари, ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этишнинг талаб ва механизмлари назарда тутилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши республикада ер ости бойликларини масъулият билан геологик жиҳатдан ўрганиш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза этишни замонавий стандартлар асосида самарали ва тизимли йўлга қўйишга хизмат қилади.

Кизгин музокаралардан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарига бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Қонун билан Ер кодекси ҳамда қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижарачиси ижарага олиш шартномаси бўйича ўз ҳўқуқлари ва мажбуриятларини ер участкасиндан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси мўддати доирасида бошқа шахсга ўтказиши (қайта ижарага бериши) мумкинлиги кўзда тутилмоқда.

Юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион, очик электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорларига кўра тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларига бўлган ҳўқуқлар ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) ер участкасига бўлган ижара ҳўқуқи давлат рўйхатидан ўтказилишдан пайтдан эътиборан беш йилдан кейин йўл қўйилиш белгиланмоқда.

Шу билан бирга, ер участкасини ижарага олиш ҳўқуқи кредит олиш учун гаровга қўйилган ва кредит мажбурияти ба-жарилмаган тақдирда, кредиторлар томонидан мазкур ер участкаларига бўлган ижара ҳўқуқини ердан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда онлайн-аукцион орқали реализация қилиш киритилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга беришда шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган электрон онлайн-аукцион савдолари жорий этилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, ер участкалари ердан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда қайта ижарага берилиши қишлоқ ҳўжалиги ерларини бозор активига айлан-тириш имконини яратди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқул-ланди.

Шундан кейин сенаторлар “Янги тах-рирдаги Ўзбекистон Республикаси Консти-туцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-

рим қонун ҳўжатларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини та-комиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун-ни қўриб чиқдилар.

Мазкур қонун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқароларимиз ол-дидаги масъулиятини ошириш, маҳаллий Кенгашларнинг давлат ҳокимияти орган-лари билан ўзаро ҳамкорлигини қучайти-риш, бошқаруvingн янада шаффоф ва са-марали бўлишини таъминлайдиган қатор муҳим ўзгартиришларни ўз ичига олади.

Унга кўра ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси лавозимлари бир-биридан ажрати-либ, эндиликда ҳоким маҳаллий Кенгаш раиси бўла олмаслиги белгиланмоқда.

Шунингдек, халқ депутатлари Кенгаш-ларига депутатлар орасидан сайланади-ган раис бошчилик қилиши, уни ваколат-лари мўддати тўғуғидага қадар лавози-мидан озод қилиш тартиби назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Кен-гашлари ва ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган ҳўжжатларни Маҳаллий



Ақмол МУҲАММАДОВ олган сўрот.

давлат ҳокимияти органларининг қарор-ларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхат-дан ўтказишнинг ягона электрон тизими-да рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талаб мустаҳкамланмоқда. Бунда ушбу тизимда рўйхатдан ўтказилмаган ҳўжжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ҳамда ҳўқуқий оқибатларга олий келмайди.

Қонун билан вилоят, туман, шаҳар ҳоким-и ваколатлари ва вазифаларига айрим ўзгартиришлар киритилиб, уларга кўра ҳоким ўз номзодини қўриб чиқишда ма-ҳаллий Кенгашга ҳудудни ривожлантириш дастурини тақдим этилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қонунда маҳаллий Кенгаш раиси ваколатлари ҳам кенгайти-рилиб, “Кенгаш сўрови” ва “Кенгаш тек-шируви” институтлари жорий этилиши на-зарда тутилмоқда.

Мажлис давомида сенаторлар томонидан ушбу қонун маҳаллий давлат ҳокими-яти органларининг янада самарали ва де-мократик тизимини яратишга хизмат қили-ш таъкидланди.

Шунингдек, қонун маҳаллий Кенгашлар-нинг давлат ҳокимияти вакиллик органи сифатидаги ролини қучайтириш, ҳоким-лар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг халқ олдидаги масъули-ятини ошириш, ҳудудий муаммоларни яна-да самарали ҳал этишни таъминлаши қайд этилди.

Кизгин муҳокамадан сўнг қонун бир овоздан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республи-касининг айрим қонун ҳўжжатларига маъ-рифий фаолиятни амалга ошириш тарти-бини белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қат-ламлари орасида соғлом маърифий фао-лиятни тарғиб қилиш бўйича кенг қўлам-ли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, ёшлар ўртасида носоғлом маънавий-маърифий хатти-ҳаракатлар қўнайиб, унинг натижасида аҳоли вакил-лари, жумладан, ёшлар ва болалар онги, маданияти ва қарашларига бегона бўлган турли ёт гоялар ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўз навбатида, ушбу ҳолатлар бу бора-даги ишларни ҳўқуқий жиҳатдан тартибга

солиш зарурияти юзага келаётганини на-моён қилимоқда.

Шу муносабат билан “Таълим тўғриси-да”ги Қонунга маърифий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган қўшимча киритилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда мазкур фаолият турига қўйила-диган талабларни бузганлик учун жавоб-гарлик белгиланмоқда. Хусусан, маърифий фаолиятнинг бундай ҳаракат билан шу-ғулланиш ҳўқуқига эга бўлмаган шахс то-монидан амалга оширилиши ёхуд қонун-чиликда белгиланган чекловларга риоя эт-маганлик учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш баравари-гача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳудди шундай ҳўқуқбузарлик маъмурий жазо қўланилганидан кейин бир йил да-вомига тақоран содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдори-нинг ўн бараваридан ўн беш баравари-гача, мансабдор шахсларга эса ўн беш

вақтида фуқарони ҳабардор этиш ва чора қўриш билан боғлиқ янги норма киритилмоқда.

Бунда йўл ҳаракати қоидалари бузили-шига оид маълумотлар 48 соат ичида Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига юбори-лиши, акс ҳолда ҳайдовчи маъмурий жа-вобгарликка тортилмаслиги белгиланмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда тез тиббий ёрдамга ва ёнғин-қутқарув бўлинмалари хизматларига муҳтож фуқароларимизга ушбу ёрдам ва хизматлар зудлик билан қўрсатилишини таъминлаш мақсадида тез тиббий ёрдам ҳамда ёнғин-қутқарув бўлинмалари транспорт воситалари катта тезликда ёки йўл белгиларига риоя эт-май ҳаракатланиши билан боғлиқ ҳолат-лар мавжуд.

Бундай ҳолатлар, ўз навбатида, авто-матлаштирилган фото ва видео техник воситалар орқали қайд этилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 171-моддасига асосан юкори-да қўрсатилган ҳолат юзага келган ҳол-ларда, тез тиббий ёрдам ва ёнғин-қутқа-рув бўлинмалари хизматлари томонидан

довчилар йўлларнинг чап қаторларида бе-малол ҳаракатланишмоқда ва бу ҳолат ав-томобиль йўлларида тирбандликларга ва авария ҳолатлари содир бўлишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, 2024 йилнинг ўтган 7 ойи-да юк автотранспорт воситалари билан боғлиқ 303 та йўл-транспорт ҳодисаси со-дир этилгани оқибатида 108 нафар фуқа-ро ҳалок бўлган, 227 нафар фуқаро тан жароҳати олган.

Айнан шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда қонунда юк автомобиллари йўлнинг четки чап қаторида ҳаракатланганлиги (рухсат этилган ҳоллар бундан мустасно) учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Парламент аъзоларининг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъмин-лашга, йўл-транспорт ҳодисаларининг ол-дини олишга, шунингдек, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқул-ланди.

Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси-да “Оилавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари қучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республи-касининг айрим қонун ҳўжжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун кизгин муҳокама қилинди.

Мазкур қонун Жаҳон банкининг тавсияси асосида болалар ва хотин-қиз-ларнинг таъзиқ ва зўравонликка учраши-нинг олдини олиш чоралари самарадор-лигини ошириш, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳит яхшиланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу вазифалар юзасидан 2023 йил сентябрь ойида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси то-монидан тегишли вазирлик ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳ шакл-лантирилган эди.

ЖССТнинг маълумотига кўра, дунёда-ги ҳар учинчи аёлга ўз умр йўлдоши то-монидан жисмоний таъзиқ ўтказилади. Таъзиқ ва зўравонлик оқибатида ўлим келиб чиққан ҳолларнинг 38 фоизида унинг турмуш ўртоғи ёки у билан бирга рўзгор қўриб яшаётган шахсининг айби бўлади.

2023 йил ва ж

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШГА ЁЎНАЛТИРИЛГАН МАСАЛАЛАР – МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Кеча ўз ишhini бошлаган Олий Мажлис Сенатининг эллик еттинчи ялпи мажлисида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга кўтаришга ёўналтирилган бир қатор масалалар муҳокама марказида бўлди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида сенаторлар ўз фикрларини билдирди.

Муносабат

Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ҳуқуқини бошқага ўтказишнинг янги тартиби

Баҳодир ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларни бозор активига айлантиришга қаратилган изчил ислохотлар олиб боришмоқда. Шунга қарамастан, ижарага олувчи томонидан ижарага олинган кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)нинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ер участкаларини бериш шартларини янада такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини айтиш даркор.

Ялпи мажлисда маъқулланган “Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу зарурат туфайли ишлаб чиқилди.

У билан Ер кодекси ва бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, Ер кодексининг ер участкасини ижарага бериш билан боғлиқ нормаларни қайта таҳрирлаш, қатор янгилар билан тўлдирилмоқда.

Шу янгилардан бири сифатида қиймати камда 10 миллион АҚШ доллари эквивалентда бўлган, энг яхши тақлифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини ижарага беришда ушбу ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқладиган бозор қийматиغا нисбатан коэффициентда белгиланадиган миқдордаги маблаж ижарага олувчи томонидан Давлат бюджетига тўланиши белгиланаётганини келтириш мумкин.

Шунингдек, кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартибини белги-

ловчи янги модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра:

- ижарага олувчи ер участкасидан камда уч йил ўзи фойдаланган бўлиши шарт;
- ижарага олувчи очик электрон танлов натижасига кўра, ижара муддати бўйича тенг тақсимланадиган қўшимча тўловларни ёки электрон онлайн-аукцион натижаларига биноан бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бирийла тўлаши керак бўлади;
- юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион, очик электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорларига кўра тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан беш йилдан кейин йўл қўйлади;
- ижарага олувчи томонидан ижарага олинган кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қонунда яна қатор янгилар билан борки, буларнинг барчаси соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қоидабuzарлик ҳақида маълумот 48 соат ичида юборилмаса ҳайдовчи жавобгарликка тортилмайди

Кутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси:

— Юртимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганидан кўпчиликнинг хабари бор. Масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, жумладан, ҳайдовчига ва пиёдадарларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини ошириш ҳамда йўл ҳаракатининг ташкил қилинишини тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Бу эса ўз натижасини берапти. Жорий йилнинг 6 ойи давомида юртимиздаги умумий йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,6 фоиз, ўлим билан боғлиқ ҳолатлар 1,1 фоиз, тан жароҳати олиш 9,2 фоиз

камайишига эришилгани ҳам шундан далилат бериб турибди.

Аммо бу муаммолар йўқ дегани эмас. Кичик ҳажмли электр двигателли транспорт воситалари ва индивидуал ҳаракатланиш воситалари оммалашуви туфайли улардан фойдаланиш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали аниқланган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши факти тўғрисидаги маълумотни қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларга юборишнинг аниқ мuddатларини белгилаш билан боғлиқ масалалар очик қолиб келаётганиди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ана шу масалалар ечими ўлароқ ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида сақланиб қолаётган тизимли муаммоларни ҳал этиш ва аҳолига қулайлик ҳамда қонунларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида муайян ўзгаришлар киритилмоқда.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс фото ва видео қайд этиш техникалари орқали аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўз вақтида фуқарони хабардор қилиш ва чора кўриш билан боғлиқ янги норма билан тўлдирилмоқда. Яъни йўл ҳаракати қоидалари бузилишига оид маълумот 48 соат ичида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида юборилиши, акс ҳолда ҳайдовчи маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги белгиланаётир.

Яна бир янгиллик сифатида тез тиббий ёрдам, ёнгин-қутқарув бўлиномалари транспорт воситалари томонидан кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифасини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлари талаб этиш бекор қилинаётганини келтирса бўлади.

Умуман, ушбу қонун йўл ҳаракати билан боғлиқ бир қатор янгиларни қамраб олгани билан диққатга сазовор.

Психологик хизмат кўрсатиш тартибга солинад

Хуришд ФОЗИЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Мамлакатимизда психология соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш ва психологлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Натижада бугун республикаимизнинг 10 та олий таълим муассасасида “Психология”, 19 та олийгоҳда “Педагогика ва психология” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда олий тиббий таълим муассасаларида “Тиббий психология” ва “Тиб-

бий психотерапия” мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимида 2,5 мингдан, умумий ўрта таълим мактабларида 13 мингдан зиёд педагог-психологлар фаолият олиб бораётгани ҳам эътиборга молик. Айни чоғда психология йўналишида маслаҳат бериш, онлайн ва офлайн форматда ўқув-тренинг, семинарлар ўтказиш орқали ҳусусий тартибда психолог ёрдам кўрсатиш фаолияти ҳам кенг тарқалган.

Табийки, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш масаласини кун тартибига олиб чиқди. Ва ялпи мажлисда маъқулланган “Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун ана шу мақсадда ишлаб чиқилган.

Маълумки, айни пайтда миҳозларга сифатсиз психологик хизмат кўрсатиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Албатта, бу қонунчилигимизда ушбу ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари белгиланмагани, соҳа етарлича тартибга солилмагани, ҳусусий тартибда психологик ёрдам кўрсатиш билан шугулланувчи жисмоний шахсларга нисбатан ҳеч қандай талаб белгиланмагани билан изоҳланади.

Айни қонун билан мамлакатимизда аҳолига психологик ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсад қилинган бўлиб, унда “психолог”, “психологик ёрдам”, “психологик ёрдам кўрсатиш стандартлари”, “психологик муаммо”, “танг (кризисли) вазият” каби тушунчалар киритилмоқда ва уларга таъриф берилмоқда.

Қонун билан психологик ёрдам кўрсатиш шартлари белгиланаётгани ҳам айтиш жоиз.

Улар куйидагилардан иборат:

■ бундай фаолият билан шугулланиш ҳуқуқига психология йўналиши бўйича олий таълим билан шахслар эга бўлади;

■ психологиядан бошқа таълим йўналиши бўйича олий таълим билан шахсларга психология мутахассислиги бўйича қайта тайёрлаш курсларини ўтагани тўғрисидаги тегишли ҳужжатни олган бўлиши зарур;

■ ҳусусий тартибда психологик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият билан шугулланишга Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган психологларнинг жамоат бирлашмаси малака сертификатига эга бўлган психологларга рухсат берилади;

■ бошқа таълим йўналиши бўйича олий таълим билан шахслар ҳусусий тартибда психологик ёрдам кўрсатиш фаолияти билан шугулланиш учун психология мутахассислиги бўйича қайта тайёрлаш курсларини ўтагани тўғрисидаги тегишли ҳужжатга, малака сертификатига эга бўлиши шарт.

Мазкур қонун психологик хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ, САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Унга кўра, бешта сиёсий партия томонидан бир мандатли сайлов округлари бўйича Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган жами 375 нафар номзод рўйхатга олинди.

Ягона сайлов округи бўйича Қонунчилик палатаси депутатлигига маъзур сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган 500 нафар партия рўйхатидаги номзодларни рўйхатга олиш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Йигилишда қайд этилганидек, миллий сайлов тажрибамизда илк маротаба бешта сиёсий партия томонидан барча даражадаги депутатлик ўринларига 100 фоиз номзодлар кўрсатилди.

Хусусан, сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига жами 875 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 3 минг 625 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 24 минг 850 нафар номзодлар, яъни барча сайлов округларида номзодларини тўлиқ кўрсатиш имконига эга бўлди.

Бунда “Е-saylov” интерфaол портали ишга туширилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу тизим орқали сиёсий партиялар номзодларнинг қонунчилик талабларига мослиги ҳолати бўйича сайлов комиссиялари билан тезкор иш олиб борди.

Мажлисида айтилганидек, Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар орасида аёллар сони 391 нафар ёки 44,7 фоизни ташкил қилди. Бу сайлов тарихимиздаги энг юқори кўрсаткичдир.

Авалги сайловларга қараганда номзодлар анча ёшарган. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ўртача ёши 47,2 ёш бўлиб, уларнинг 44,2 фоизи 45 ёшгача бўлганлар, 44,3 фоизи 45 — 60 ёшдагилардир. Номзодлар орасида энг ёши 25 га кирган.

Номзодларнинг 99,3 фоизи олий таълимотли. Шундан иқтисодчилар 20,2 фоиз, педагоглар — 27,9, муҳандислар — 7,9, шифокорлар — 9,1, ҳуқуқшунослар — 16,5, тadbиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари эса 18,4 фоизни ташкил этади.

Тadbирда таъкидланганидек, ҳудудий, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар ҳам рўйхатдан ўтказилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига ҳар бир партиядан номзодлар рўйхатга олинган бўлиб, депутатлик мандати учун 28 минг 475 нафар номзод кураш олиб боради. Уларнинг 42,5 фоизи хотин-қизлардир.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг ўртача ёши 44,4 ки ташкил этиб, уларнинг 54,9 фоизи 45 ёшгача, 36,4 фоизи 45 — 60 ёшдагилар, вилоят Кенгашларига номзодлар орасида энг кичиги 24 ёш, туман Кенгашларига номзодлар орасида эса 21 ёш.

Номзодларнинг 90,3 фоизи олий таълимотли. Улар орасида педагоглар 36 фоиз, иқтисодчилар — 15,8, муҳандислар — 9,6, шифокорлар — 9,4, ҳуқуқшунослар — 3,3, тadbиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари эса 25,9 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизда яшяётган ақсарият миллат ва элaтларнинг вакиллари ҳам номзодлар орасида бор. Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга номзодларнинг 973 нафари тожик, 588 нафари қозoқ, 146 нафари туркман, 141 нафари киргиз, 67 нафари рус ва бошқа миллатлар вакилларидир.

Номзодларни кўрсатишда сиёсий партиялар инклюзивликка ҳам алоҳида эътибор қаратганини қузатиш мумкин. Жумладан, Қонунчилик палатаси сайлови бўйича депутатликка номзодлар орасида жами 11 нафар ва маҳаллий Кенгашлар сайлови бўйича депутатликка номзодлар орасида жами 605 нафар ногиронлиги бўлган шахслар бор. Бундай юқори даражадаги инклюзивлик биринчи маротаба кузатилмоқда.

“Е-saylov” интерфaол портали орқали барча даражадаги сайловлар бўйича рўйхатга олинган 29 минг 350 нафар депутатликка номзоднинг мобилъ телефонларига умар тегишли вакиллик органи сайлови бўйича депутатликка номзод этиб рўйхатга олингани, “Е-saylov” тизими ёрдамида ишончли вакиллари рўйхатдан ўтказиши мумкинлиги ва сайловолди ташвиқоти бошланиши ҳамда мuddатлари тўғрисида хабарномалар юборилди.

Шунингдек, мажлисда Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларида иштирок этувчи сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Қарор билан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари бўйича депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар сайловолди ташвиқоти 2024 йил 22 сентябрдан бошланиши белгиланди.

Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партияларга сайловда иштирок этиши учун ихозат берилган навбат кетма-кетлигида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари белгиланди. Унга кўра:

биринчи — Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси;

иккинчи — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси;

учинчи — Ўзбекистон Экологик партияси;

тўртинчи — Ўзбекистон Халқ демократик партияси;

бешинчи — Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси.

Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан давлат марказий ва ҳудудий телерадиоканаллари ҳамда газеталарида депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун сайловолди ташвиқоти даврида бeгуп ефир вақти ҳамда нашр майдони ҳажми ажратилди.

Хусусан, республика даражасидаги “Ўзбекистон 24”, “Ўзбекистон”, “Ешлар”, “Маҳалла”, “Маданият ва маърифат” телеканалларида ҳамда “Ўзбекистон 24”, “Ўзбекистон”, “Ешлар”, “Маҳалла” радиоканалларида сиёсий партияларга ташвиқот ишларини олиб бoриш учун бeгуп эфир вақтлари ажратилди.

Шу билан бирга, мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги қарори билан сайловолди ташвиқотини олиб бoриш бўйича низомига мувофиқ, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда сайловолди ташвиқоти материалларини тайёрлаш ва тарқатиш масалалари тартибга солингани алоҳида таъкидланди.

Тadbирда қайд этилганидек, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар:

— сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган ташвиқот материалларида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиб тайёрлангани ҳақида маълумотлар кўрсатиши;

— ҳар қандай шахсининг тасвирига ва унинг овозига бўлган ҳуқуқларини, шунингдек, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларини бузмаслиги;

— бирор-бир шахсининг тасвири ва овози, шунингдек, бошқа шахсга доир маълумотларидан фойдаланганда ушбу шахсининг олдиндан розилигини олиш каби қоидаларга амал қилиши лoзим.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати ҳамда Матбуот маркази тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловолди ташвиқоти мониторингини олиб боради.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кун тартибига киритилган масалалар — темир йўл транспортни соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, мамлакат инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ипакчилик тармогини янада ривожлантиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.

Темир йўл транспорт монополиядан чиқарилади

Мажлис “Темир йўл транспорт тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси билан бошланди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасида соҳага ҳусусий секторни кенг жалб қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, темир йўл транспортини монополиядан чиқаришга қаратилган нормалар акс этмоқда. Давлат томонидан тартибга солинадиган тарифлар бўйича йўловчиларни ташидан қўрилган харажатнинг ўрни тўлиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига маблағларни ҳисобидан қопланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорт корхоналари, ташувчилар йўловчилар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз қатнов, бағаж, юк, бағаж, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташини шарт-шароитларини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг имконияти чекланган гуруҳлари тоифасидаги йўловчилар ўзлари билан қўшимча равишда шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган техник ёрдамчи воситаларини ва махсус ҳаракатланиш воситаларини бeгуп олиб юриш ҳуқуқига эга эканлиги белгилан қўйилмоқда.

Мажлисида қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг айрим нормалари қуйи палатанинг ўтган ялпи мажлисида депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилиниб, ундаги нормаларни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифлар илгари сурилган эди.

Шундан келиб чиқиб, масъул кўмита депутатлар берган ҳар бир тақлифни чуқур таҳлил қилиб, улар асосида қонун лойиҳасини пишиқ-пuxта ҳолатга келтирди. Хусусан, қонун лойиҳасидаги умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортни соҳасидаги ваколатли ташкилот тушунчаси мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, таҳрирланди. Юк жўнатувчининг темир йўл транспортини қот хатидаги айнан ўзи томонидан киритилган маълумотлар тўғрилигига масъуллиги аниқлаштирилди.

Шу билан бирга, вагонлардан, контейнерлардан фойдаланганлик учун ва умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ҳаракатдаги таркиб бекор ушлаб турилганлиги учун ҳар тўланиш тартиби қайта таҳрирланди, соддалаштирилди. Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Хорижий тижорат ташкилотлари аккредитацияси ва давлат божи

Депутатлар томонидан “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгари-



риш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилишда давлат божи ҳар бир йил учун тўланишини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда хорижий тижорат ташкилотининг ваколатхонаси хорижий тижорат ташкилотининг хошияига кўра бир йилдан ўз йилгача мuddатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низоми талабларига мувофиқ аккредитация қилинади ҳамда аккредитация мuddати узайтирилади. Лекин амалиётда аккредитациядан ўтказиш учун давлат божини тўлашда қайси давр учун пул тўлаш кераклиги борасида тушунмовчиликлар юзасига келмоқда.

Шу муносабат билан лойиҳада “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилинганда ҳамда аккредитация мuddати узайтирили-

ганда давлат божи ҳар бир йил учун тўланишини белгилаш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашча, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилишдаги тушунмовчиликларни тўлиқ бартараф этишга хизмат қилади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Уй шароитида пилла етиштирилган даромад солигидан озод этилади

Мажлисида депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — ипакчилик тармогини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда ипакчилик тармогини ривожлантириш, ипак куртини парвартиш қилишда қасанчачиликни қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буяорма Г — 942. 12 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: 71-259-74-51; 71-259-74-53; 71-259-74-45.